O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

МУСТАҚИЛЛИК *биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.*

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2009-yil • 1-sentabr • Seshanba • 105-106 (30.067) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Она Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами барчамизга муборак бўлсин!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Барчангизни Ватанимиз тарихидаги буюк сана — Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий табриклаб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва меҳр-муҳаббатимни билдиришдан бахтиёрман.

Азиз дўстлар!

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, озодлик ва эркинликка, ўз тақдирини ўз қўлига олишга интилган дунёдаги биронта халқ мустақиллик деган улуғ ва бебаҳо неъматни, сиёсий ва иқтисодий тобелик ва қарамлик занжирларидан озод бўлишни ҳеч қачон осонлик билан қўлга киритгани йўқ.

Бу азалий ҳақиқатни биз ўз тарихимизда англадик, бошимиздан ўтказдик.

Биз бундан 18 йил олдин халқимиз асрлар бўйи орзиқиб кутган миллий истиқлолимизни эълон қилиб, ўтган давр мобайнида эзгу орзу-умидларимизга эришиш йўлида эл-юртимиз қанча-қанча узилиш ва азоб-уқубатларни, қанча-қанча етишмовчиликларни, бир сўз билан айтганда, қандай оғир ва машаққатли синовларни бошидан кечирганини бугунги ва келажак авлодлар ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги муқаррар.

Бугун мана шундай улуғ ва ҳаммамиз учун ҳақиқатан ҳам азиз айём арафасида босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, ўз куч-қудратимиз ва салоҳиятимизга суяниб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олганимиз, шу унутилмас йилларда мардлик ва матонат, чидамлилик ва бағрикенглик кўрсатиб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати билан жаҳон аҳли эътироф этаётган ютуқ ва марраларга эришаётганимиз барчамизга ғурур ва мамнуният етказади, албатта.

Юртимизда янги жамият барпо этишда биз танлаган ва босқичма-босқич, изчил амалга ошираётган ислоҳотлар модели айни шу кунларда, яъни бутун дунё бошидан кечираётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида амалда нақадар тўғри эканини ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг яққол исботи охирги йилларда ва шу йилнинг ўзида иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиб, янги марраларга кўтарилиб, юртимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, янада обод бўлаётганида, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси, ойлик ва даромадлари узлуксиз юксалиб бораётганида ёрқин намоён бўлмоқда.

Ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, мақсадлари ўзгариши билан халқимизнинг, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётганини ва бундай ижобий ўзгаришлар бугунги ва эртанги ютуқларимизга мустаҳкам замин тугдираётганини катта мамнуният билан таъкидлаймиз.

Ўтган давр мобайнида кўпни кўрган, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз ҳақиқий мустақилликка эришиш, истиқлолимизни ҳар қандай хуруж ва ғаразли, ёвуз ҳаракатлардан ҳимоялаш йўлидаги машаққатли курашларда тобланди.

Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётнинг қадр-қимматини, минтақамизда миллатлар ва динлараро тотувликни асраш ва мустаҳкамлаш нақадар муҳим эканини чуқур англаб етди.

Мухтасар қилиб айтганда, ўтган давр мобайнида бошимиздан кечирган қийинчилик ва синовлар қанчалик оғир бўлмасин, биз уларнинг барчасига мардона бардош бериб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик.

Ва ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, шу муқаддас заминимизда яшаётган барча инсонлар учун ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Азиз юртдошлар!

Бугун мана шу юксак минбарда туриб, 18 йил давомида бизга хайрихоҳ бўлиб, бизни қўллаб-қувватлаб, ёрдам ва мадад бериб келаётган дўсту биродарларимизга, биз билан самарали ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва халқларга миннатдорлик билдириб, қизғин саломларимизни йўллашга, уларга бахт ва равнақ тилашга рухсат бергайсиз.

Бизнинг бугунги тантанамизда қувончимизга шерик бўлаётган юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча азиз меҳмонларимизга юракдан чиққан олқишларимиз билан ўз ҳурмат-эҳтиромимизни изҳор этсак, айни муддао бўлади.

Мана шундай ёруғ кунларга етиб келишда ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилган, Ўзбекистоннинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келаётган барча-барча юртдошларимизга, мўътабар кексаларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан ташаккур билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Айни пайтда доимо латофат ва гўзаллик, вафо ва садоқат тимсоли бўлган, ҳаётимизни эзгулик ва меҳр нури билан чароғон этиб келаётган мунис аёлларимиз, опасингилларимизни самимий қутлаб, уларнинг барчасига сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларига файзу барака тилайман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навқирон азму шижоатини намоён этиб ўтирган ўғил-қизларимизни, ҳақиқатан ҳам эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган бутун мамлакатимиз ёшларини, уларга таълим бераётган устоз-мураббийларни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Юрт учун, эл учун, бизнинг эртанги буюк келажагимиз учун ҳеч қачон, ҳеч қаерда бўш келманг, азиз фарзандларим!

Барчангизни Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик қутлуғ байрами билан яна бир бор табриклайман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 август куни Оқсаройда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ричард Норландни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда икки ва кўп томонлама ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Р.Норланд самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, АҚШ маъмурияти Ўзбекистон билан ҳамкорликни икки томон учун манфаатли бўлган турли соҳаларда ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

БУЮК МАМЛАКАТНИНГ БУЮК БАЙРАМИ



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Истиқлолимизнинг 18 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИНИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Борий Ботирович **Алихонов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси лавозимидан озод қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 29 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Нариман Маджидович **Умаров** Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 29 август.

АЖДОДЛАР ЁДИ МАНГУ

Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрами нишонланаётган шу кунларда Бўзсув соҳилидаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи зиёратчилар билан ҳар қачонгидан гавжум. Бу қадамжо нафақат шаҳидлар ёдини, балки халқимизнинг кечмишини ўзида мужассам этган тарих китобига ўхшайди. Бу ерда оталар осуда отаётган тонгларга шукрона келтиради. Соғ-саломат камолга етаётган фарзандлари бахтидан масрур оналар чеҳрасига табассум югуради. Хаёлан тарихнинг қоронғу кўчаларига назар ташлаган ёшлар тинчлик ва истиқлол нақадар улуғ неъматлар эканини англайди. Бу ерга келган ҳар бир инсон қалбида шу табаррук юрт барчамизники, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2000 йили пойтахтимизда «Шаҳидлар хотираси» хиёбони бунёд этилди. Мажмуа таркибида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ва шу номдаги жамғарма ташкил қилинди. 2001 йилдан буён 31 август мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонлаб келинади.

31 август тонгида пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

(Давоми 2-бетда)

O`zbekiston havo yo`llari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2009 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун бу соҳадаги умумэътироф этилган халқаро-ҳуқуқий нормаларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланганлиги ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, археология тадқиқотларини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга йўналтирилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги бошқарув тизимини жорий этади, тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини, ҳамма учун мажбурий бўлган қонуности ҳужжатларини қабул қилиш тартибини белгилайди. Қонун археология мероси объектларини аниқлаш, ўрганиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида уларни муҳофаза қилишнинг самарали механизмини яратади.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг 5.2-бандини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 апрелдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиб, маъқулладилар. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига киритилаётган қўшимча эллик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар тиббий кўрикдан ўз розиликлари билан ўтишини белгилаб қўяди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185²-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонуннинг асосий мақсади энергиянинг ҳар хил турларидан оқилона фойдаланиш, электр ва иссиқлик тармоқларига ўзбошимчалик билан уланганлик ҳолатларини камайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини яратишдан иборат. Қонуннинг қоидалари жиноят тўғрисидаги ва маъмурий қонун ҳужжатларидаги тегишли камчиликларни бартараф этади, бундай ғайриқонуний ҳолатлар учун жавобгарликни белгилайди.

Сенаторлар бир қатор бошқа қонунларни, жумладан, «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қуроллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

(Давоми 4-бетда)

БУЮК МАМЛАКАТНИНГ БУЮК БАЙРАМИ

Ўн саккиз йил. Камолот ёши. Маънавий етуклик айёми. Билаклар кучга тўлган, юраклар ишонч, умид, муҳаббат билан депсинаётган навқиронлик палласи. Истиқлолимиз том маънода ана шу камолот ёшига қадам қўйди. Дунё ҳамжамиятида ўз ўрни, ўз салоҳияти, ўз сўзига эга, иқтисодий жиҳатдан қудратли, илму маърифат бобида беназир Ватанимизда бу йиллар янги жамият, янги давлат қуриш йўлида асрларга тенг ютуқлар қўлга киритилди.

Энг улуғ, энг азиз байрамини нишонлаётган ватандошларимиз ҳаётимиздаги, турмушимиз, ўй-фикрларимиздаги улкан ўзгаришлар Истиқлол туфайли эканини теран англайдилар.

2009 йил, 31 август. Бугун азим Тошкентнинг барча кўчалари бизни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига элтади. Шафақ ол рангда товланади. Кўчаларни тўлдирган одамлар оқими минглаб чироқлар нуридан шуълаланаётган рамзий миноралар томон ошиқади. Ўзбекнинг энг катта байрами шу ердан бошланади ва бутун юрт узра парвоз қилади. Ватанимиз сарҳадлари бўйлаб кезаётган бу саррин ел энг чекка қишлоқдаги хонадонларгача кириб боради.

Ўзбекистон Миллий боғига ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 19.30. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Майдон узра таралаётган куй ва қўшиқлар гўё Истиқлол китобининг ўн саккиз саҳифасини бирма-бир варақлагандек, кўз ўнгимизда ўн саккиз йиллик тарих тажалли этгандек бўлади. Ўзбекистонимиз ўтган қисқа давр мобайнида асрлар билан бўйлашадиган довонларни ошиб ўтди, юз йилликларга тенг тараққиётга эришди.

Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов тизимини эркинлаштириш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Бугун Ўзбекистон сайлов қонунчилиги демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида халқаро стандартларга тўлиқ мос келади. 2009 йил декабрь ойида мамлакатимиз Парламенти ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлажак сайловларни юксак демократик савияда, очиқ ва ошкора ўтказиш учун барча шарт-шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сиёсий партияларнинг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашга йўналтирилган ислоҳотларни амалга оширишдаги ролини, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда бевосита аҳолининг сайлов жараёнларида иштирок этиш имкониятларини кенгайтирди, сайлов тизими янада либераллашувини таъминлади.

...Майдонда таралаётган оҳанглар ошуфта дилларга ўзгача шукуҳ бағишлайди. Қўшиқлар сеҳридан кўнгиллар сурурга тўлади. Турфа ранглар оғушида жилоланаётган



рақслар қанотида озод ва обод Ватан манзаралари, халқимизнинг эзгу орзу-умидлари намоён бўлади. Байрам дастури орқали ифода этилаётган ўн саккиз йиллик ҳаётимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизга боқиб, эртанги кунга бўлган ишончимиз янада мустаҳкамланади...

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири ва салбий оқибатларини юмшатиш, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излаётган, оммавий ишсизликнинг олдини олиш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш чораларини кўраётган бир вазиятда бизнинг халқимиз Ватан равнақи йўлида азму шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қабул қилинган ислоҳот ва модернизациянинг «ўзбек модели»да белгиланган вазифалар изчиллик билан бажарилмоқда.

Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилган.

Мана, 18 йилдирки, мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик, юксалиб бораётган турмуш даражаси, қулай инвестицион муҳит туфайли юзлаб хорижий давлатлар Ўзбекистонга ишончли шерик сифатида қарамоқда. Халқаро экспертлар тараққиёт моделимизни «Ўзбекистон мўъжизаси» деб баҳоламоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби ўнлаб хорижий тилларга таржима қилингани ва илмий асосда чуқур ўрганилаётганининг боиси ҳам шунда.

2009 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,2 фоизни ташкил этгани эътиборга моликдир. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдордаги профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича қабул қилинган дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Банк тизимининг инвестиция фаолиятини кучайтириш, энг муҳим инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмининг 32,7 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришнинг 2,6 баравар ўсишини таъминлади. Уларнинг 71,1 фоизи бевосита ишлаб чиқаришга йўналтирилгани аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг устувор тармоқларида янги қурилишларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган, янги экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган 667 инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. 2009 йилнинг биринчи ярмида 193 ишлаб чиқариш объекти фаолият бошлади. Маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг 95 янги турини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, бундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини 1,8 баравар ошириш, 708 миллион АҚШ доллари миқдорида импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш имконини берди.

Деҳқон борки, табиат инжиқликларини кўтариб, енгиб келади. Гоҳ қурғоқчилик, гоҳ сел... Эрта кўкламдаги сурункали ёмғирлардан эсанкирамаган миришкорларимиз, соҳибкору ғаллакорларимиз пешона тери эвазига мўл-кўл ҳосил етиштирилди. Ғаллакорларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли мамлакатимиз ғаллачилик тарихидаги энг юксак натижа — 6 миллион 600 минг тонналик улкан хирмон бунёд этилди.

Мамлакатимизда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган ижтимоий сиёсат амалга оширилмоқда. 2008 йилда ўртача иш ҳақи 1,4 баробар ошди. Аҳолининг реал даромадлари эса йил давомида жон бошига 23 фоиз кўпайди. 2009 йилда иш ҳақи миқдорини 1,4 баробар кўпайтириш кўзда тутилган ва бу борадаги ишлар изчил амалга оширилмоқда.

2009 йил 22 май куни Тошкентда, олтмишдан зиёд мамлакат вакиллари иштирокида бўлиб ўтган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш суръатлари юксак баҳолангани бежиз эмас.

Мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2007-2010 йилларда умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши бугунги кунда республикамизнинг барча минтақалари ўртасида йил давомида ишончли транспорт алоқасини таъминлаётир.

Жорий йилда янада ишончли транспорт хизмати кўрсатиш учун қабул қилинган қўшимча чора-тадбирлар билан бир қаторда халқаро аҳамиятга молик умумий фойдаланиладиган 400 километрдан ортиқ автомобиль йўлини модернизация қилиш ишлари давом этмоқда. Жумладан, Бейнов — Бухоро — Самарқанд — Тошкент — Андижон йўналиши бўйича тўрт қаторли халқаро автомобиль йўлини, шунингдек, Бухоро — Олот ва Самарқанд — Ғузор йўлларининг стратегик участкаларини қуриш ишлари бошланди. Маҳаллий аҳамиятга молик йўлларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш кўлами янада кенгайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорига мувофиқ 2009 йилнинг биринчи ярмида умумий фойдаланиладиган халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва йўлларни таъмирлаш борасида 141 миллиард сўмлик иш бажарилди.



Темир йўл тармоқларини қуриш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2007 йилда қуриб битказилган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл линияси бу борадаги ишларнинг ёрқин намунасидир.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида бу ерда яна бир қувончли воқеа юз берди — йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.

Навоий аэропорти базасида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилиши, бу ерда Халқаро интермодал логистика маркази фаолиятининг йўлга қўйилиши мамлакатимиз олдида катта истиқболлар очади. У нафақат Жанубий-Шарқий Осиёни Европа билан боғлайдиган қитъалараро транспорт-экспедиция узели сифатида фойдаланиш имконини беради, айни пайтда Навоий вилояти ва қўшни ҳудудларда янги, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишга хизмат қилади.

...Халқимиз эришаётган бундай ютуқлар байрам дастурида ўз ифодасини топган.

Мустақиллигимизнинг ўн саккизинчи йили Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилингани замирида чуқур маъно-мазмун мужассам. Президентимиз таъбири билан айтганда, барчамизнинг илдизимиз, томиримиз қишлоққа бориб тақалади.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт даражасини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартиришга, аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш мақсадида, минтақаларнинг иқлим, демографик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ уйларининг намунавий лойиҳалари тайёрланиб, шу асосда замонавий қишлоқлар барпо этилмоқда. Бу вазифаларни бажариш учун махсус «Қишлоқ-қурилиш-лойиҳа» лойиҳа-тадқиқот институти, «Қишлоқ-қурилишбанк»и ташкил этилди.

Табиийки, бундай улкан бунёдкорлик ишлари учун замонавий қурилиш материаллари зарур бўлади. Айни пайтда жойларда ана шундай мақсадлар учун хизмат қилувчи юзлаб корхоналар фаолият юритмоқда. Бу эса аҳолининг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун шарт-шароит яратмоқда. 2009 йилнинг биринчи ярмида қишлоқларимизда 435 километр газ ва 839 километр сув қувурлари тортилгани, 2,9 миллион квадрат метр якка тартибдаги уй-жой қурилгани, 233 умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилгани, 196 касб-ҳунар коллежи ва 18 академик лицей қуриб битказилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Соғлом зурриёд — баркамол авлод ва соғлом миллат асоси. 2009 йилда Президентимиз раҳнамолигида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар янги босқичга кўтарилди.

Юртимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизими тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Аҳолига шошилинч ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун энг юксак талабларга жавоб берадиган шифохона ва бўлимлар тармоғи, энг юксак замонавий тиббиёт технологиялари ва техникаси билан таъминланган ихтисослашган клиникалар ташкил этилиши бу босқичнинг самарали натижаларидан бўлди. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар рўй берди – замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган минглаб қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилди...

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ўз олдимизга қўйган эзгу орзу-ниятларимизга, буюк мақсад-муддаоларимизга етиш, айни пайтда халқаро майдонда эл-юртимизнинг номи, обрў-эътиборини юксалтириш йўлида хизмат қилаётган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа омиллар қаторида яна бир ўта муҳим мезон борки, унинг номи — миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусидир.

Майдонга юртимизнинг мард ўғлонлари — ҳарбийлар кириб келади. Улар Ватанни мадҳ айлаб, Қуролли Кучларимиз қудратини намойиш этади. Уларга қараб дилларда ифтихор жўшади, Ватан тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ишончли қўлларда эканига амин бўлади киши.

Ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз Қуролли Кучлари салоҳиятини, қудрати ва нуфузини янада юксалтирди. Ёшларимиз қалбида ҳарбийликка муҳаббат кучайди. Ҳарбийлик ўзини шу юртга дахлдорман деган ҳар бир йигит учун шарафли ишга айланди.

Ўн саккиз йил тарих олдида бир лаҳза. Аммо бизнинг ўтган ҳар бир йилимиз бир асрга тенг, десак, муболаға бўлмайди. Асрлар давомида эришиладиган ютуқларга ойлар, йилларда эришдик. Ҳар бир кунимизни тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрлашга муваффақ бўлмоқдамиз. Зеро, мана шундай шоду хуррамлик билан Мустақиллик кунини нишонлаётганимизнинг ўзиёқ танлаган йўлимиз тўғрилигидан, Ватанимиз келажаги буюклигидан далолатдир.

...Истиқлол туфайли бой тарихимиз ва маданий меросимиз, урф-одат ва анъаналаримиз, дину диёнатимиз қайта тикланди. Қон-қонимизга сингиб кетган меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар миллий қиёфамизнинг инъикоси сифатида бизни дунёга танитди. Бу бизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Халқимизни дунё мусиқа санъати анъаналари билан, жаҳон аҳлини эса ўзбек миллий мусиқаси билан яқиндан таништиришда Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг аҳамияти беқиёс. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» еттинчи халқаро мусиқа фестивалида элликка яқин мамлакатдан вакиллар иштирок этди. Регистон майдонида янграган турфа наволар, куй-қўшиқ ва рақслар қанчадан-қанча дилларни ром қилди, минглаб инсонлар хотирасида ўчмас из қолдирди.

Дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган қадимий шаҳарларимизнинг юбилейларини нишонлаш истиқлол анъаналаридан бирига айланган. Ўтган йилларда Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Самарқанд, Марғилон сингари шаҳарларимизнинг қутлуғ тўйлари халқаро миқёсда кенг нишонланди. Энди муаззам пойтахтимиз — Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини кенг нишонламоқдамиз.

...Майдон саҳнида байрам дастури давом этади. Улкан саҳнада халқимизнинг ўтмиши, бугуни, келажаги, асрий орзулари тараннум этилмоқда. Ҳар бир куй, ҳар бир қўшиқ ўн саккиз йилда эришилган ютуқлардан сўзлайди. Ранглар жилоси, оҳанглар садоси ўзгаради.

Майдон узра юрт наволари янграйди. Жонфизо қўшиқларга аҳли майдон жўр бўлади. Истиқлол — Истиқбол, дея куйлайди осмон, юлдузлар, азим чинорлар, бутун шаҳар, бутун юрт!

Мусиқа садолари кўзларни қамаштиргувчи мушаклар жилосида янада жозибалироқ, янада шукуҳлироқ эшитилади.

Авж пардаларда кечган байрам тантаналари Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб ёйилади. Ва ҳар тарафдан садо келади:

— Истиқлолинг муборак бўлсин, муқаддас юртим!

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

АЖДОДЛАР ЁДИ МАНГУ

Президентимиз Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида қуйидаги фикрларни билдирди:

— Мана шундай муборак кунларда, шундай муқаддас жойларда туриб, одам беихтиёр бугунги тинч-осуда ҳаёт, бу кунларнинг қадрига етиш ҳақида ўйлаши табиий, албатта.

Халқимиз, миллатимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган минг-минглаб ватандошларимизни эслар эканмиз, улар орзу қилган, улар учун бир умрлик армон бўлиб қолган, бугунги авлодларга насиб этган эркин, обод ва фаровон ҳаётнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ англашимиз шубҳасиз.

Биз мана шундай муборак зиёратгоҳлар ва қадамжоларга бугунги тинч ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синовлар ва машаққатлар эвазига эришганимизни ёш авлодга англатадиган, уларнинг қалби ва онгига миллий мустақиллик ғоясини янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиладиган маънавият ва маърифат ўчоқлари, деб қараймиз.

Бугунги таҳликали ва мураккаб замонда дунёда юз бераётган кескин зиддиятлар, тўқнашувлар ва қарама-қаршиликлар, миллатлар ва динлар ўртасидаги турли можароларни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Айниқса, ёвуз мақсадлари йўлида муқаддас ислом динимизни ниқоб қилиб олган ғаразли ҳаракат ва кучлар соғлом фикрлайдиган ҳеч бир инсонни ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Дунёнинг турли бурчакларида, мусулмон мамлакатларида рўй бераётган қўпорувчилик ва бузғунчилик ҳаракатларидан барчамиз тегишли хулоса чиқариб, доимо ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимиз кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Биз ҳаммамиз тинчликни истаймиз, тинчликни орзу қиламиз, лекин тинчлик учун курашиш керак, бу ёруғ ҳаётни, фарзандларимизнинг келажагини, уларнинг беғубор кулгусини ҳар қандай хавф-хатарлардан асрашимиз лозим, — деди Президентимиз. — Мана шундай муҳим, бугунги кунимиз учун ғоят долзарб фикрларни одамларга етказиш, бугунги эмин-эркин ҳаёт, тўкинлик ва фаровонлик ўз-ўзидан бўлмаётганини тушунтириш зарур.

Истиқлол туфайли тарихий адолат қарор топди, тарихга муносабат ўзгарди. Топталган миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз қайта тикланди. Азиз-авлиёларимизнинг муборак қадамжолари обод гўшаларга айлантирилди. Ватанимиз озодлиги йўлида жонини фидо этган юртдошларимиз руҳини шод этиш, номларини абадийлаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи фаолиятига алоҳида эътибор қаратиб келади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бу музей нафақат қатағон қурбонлари ҳақида, балки 130 йил мустамлакачилик сиёсатидан азият чеккан халқимиз кечмиши тўғрисида ҳикоя қилиши лозим. 2008 йили Президентимиз ташаббуси билан бу ерда улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди; махсус илмий гуруҳ тузилиб, изчил иш олиб борилди. Музей биноси шарқона меъморлик анъаналари асосида кенгайтирилди. Чор Россияси томонидан Туркистоннинг босиб олинишидан то мустақиллик даврига бўлган тарихий жараёнларни ўзида акс эттирувчи ўн бўлимдан иборат янги экспозициялар ташкил этилди.

Музей экспозициялари орасида мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик, маънавиятимиз, тарихий обидаларимиз, динимизни асраб-авайлаш йўлида олиб борилаётган ишлар тўғрисида ҳикоя қилувчи экспонатларга кенг ўрин берилган.

Шу куни Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди.

(ЎзА)

ХАЙР САМАРҚАНД, САЛОМ САМАРҚАНД!

Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» еттинчи халқаро мусиқа фестивали якунланди

Самарқанд, Регистон майдони. 29 август оқшоми. Соат 19.00. Муаззам амфитеатр фестиваль иштирокчилари, меҳмонлар ва санъат ихлосмандлари билан тўлган.

Фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлари мусиқа анжуманининг кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтказилганини юқори баҳоладилар. Мусиқа ва қўшиқ воситасида дунёдаги турли халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, ўзаро самимий мулоқот учун қулай имконият яратишга қаратаётган улкан эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этдилар.

Анжуман халқимизнинг бой ва бетакрор мусиқа маданияти шуҳратини янада юксалтирди, турли халқлар санъат намояндалари ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлади.

Фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлари Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда, хусусан, Самарқандда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, аждодлар меросини асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий қадриятларга садоқат ва умуминсоний анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

...Ҳаяжонли лаҳзалар бошланди. «Шарқ тароналари» еттинчи халқаро мусиқа фестивалининг ғолиб ва совриндорлари эълон қилинди.

Фестивалнинг олий мукофоти — Гран-при Туркманистондан келган Лали Бегназарова ва халқ чолғу ансамблига насиб этди. Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева ва халқ чолғу ансамбли ҳамда Озарбойжон бадиий жамоаси биринчи, исроиллик Леви Шемптов ва Жанубий Корея бадиий жамоаси иккинчи, италиялик Лаура Моллика хоним ва кувайтлик санъат усталари учинчи ўринни олди.

— Ўзбекистон, Самарқанд юрагимда ўчмас из қолдирди, — дейди фестиваль Гран-приси соҳибаси Л.Бегназарова. — Бу ерда ўтган ҳар бир куним унутилмас воқеалар ва таассуротларга бой бўлди. Халқингизнинг миллий-маданий меросни асраб-авайлаш ва улуғлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Бу — тарихга чуқур ҳурмат демакдир. «Шарқ тароналари»дек нуфузли халқаро анжуманда санъатимиз юксак мукофотга сазовор бўлганидан фахрланамиз.

Фестиваль ғолиблари ва юртимиз санъат усталари томонидан катта концерт намойиш этилди.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Самарқанд вилояти ҳокими Ў.Барноев иштирок этди.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари ҳақида ҳикоялар

БАХТ САРИ ПАРВОЗ

Ўз иқболи сари собит борган киши ҳаётда қоқилмайди, оралиқ кўчаларда овора бўлиб, умрини беҳуда сарфламайди. Бахт бундай инсонларга кулиб боқади...



«Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси электрда пўлат эритиш цехида одамлар билан суҳбатлашиб ўтирибману хаёлимда шундай фикр-мулоҳазалар чарх уради. Пўлат эритувчи Олимжон Тўйчиевнинг ҳаёти бунга бир мисол. Кечагина унга «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони бериш тўғрисидаги фармон эълон қилинди. Унинг меҳнат дафтарчасини варақласангиз, «Пўлат эритувчининг ёрдамчиси», «Пўлат эритувчи» деган икки ёзувдан бўлак қайдни учратмайсиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони ҳикоясидан: «Ўнинчи синфни битиргач, беш-олти синфдош металл заводи қошидаги 43-касб-ҳунар билим юртига кириб ўқий бошладик. Ўқишни тамомлагач, ҳарбий хизматга чақирилдим. Армиядан қайтгач, тўғри шу цехга келдим. Баъзи тенгдошларим имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берувчи муддат келгач, бошқа ишларга ўтиб кетишди. Мен ўзим учун қадрдон бўлиб қолган жамоани тарк этолмадим, «нафас олиши»ни ҳис қила бошлаганим пўлат эритиш печидан кўнгил ўзиб кета олмадим...»

Ўзбекистон Қаҳрамони Олим Тўйчиев бугун Пётр Вильмс, Виктор Жўраев, Иван Кудряшов сингари устозлар номини алоҳида эҳтиром билан тилга олади. Уларнинг касбий сабоғи, шахсий ибрати мен учун чинакам ҳаётий, меҳнат дорилфунуни бўлди, дейди. Чин кўнгилдан, сидқидилдан ишлашни, ярим сўздан бир-бирини тушунишни, пўлатдек мустаҳкам интизомли бўлишни ана шу устозлардан ўргандим, деб алоҳида мамнуният билан таъкидлайди.

Тавсияномадан: «Тўйчиев Олим Исмоилович 24 йилдан буён пўлат эритиш цехида меҳнат қилмоқда. Электрда пўлат эритиш технологиясини мукаммал эгаллаган. Астойдил меҳнат қилиб, топшириқларни 103-105 фоиз бажаришга, юқори сифатли пўлат ишлаб чиқаришга эришмоқда. У партиямиз фаоли сифатида ҳам тиниб-тинчимайди...»

Олимжон электрда пўлат эритиш печини қандай бошқараётганини, иш пайти ёрдамчилари, бошқа мутахассислар билан муносабатини кузатиш ўзи босиқ-вазмин кўринса ҳам иш чоғида бутун вужуди, хатти-ҳаракати кескин ўзгариб кетишини кўрсатди. У ишга шунчалик берилиб кетгандики, бамисоли рўпарасида аланга пуркаб, сония сайин гумбирлаб, металл учқунлар сачратаётган улкан печу икки-уч ёрдамчидан бўлак ҳамма нарса унинг учун ўз аҳамиятини йўқотгандек эди. Ҳар смена шундай ўтади. Унинг жамоаси йилига 150-160 минг тонна пўлат эритади. Бугина эмас. Олимжон техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий этишда жонбоз. Шу боис электр ва газни тежашга эришмоқда. Чунончи, жамоа охирги уч йилда 5,9 миллиард сўмликдан ортиқ электр қувватини тежаб қолди. Бир йилда 31 миллион сўмлик газ тежалди.

Мана шу ғайрат, фидойилик унга обрў-эътибор, шон-шуҳрат келтирди. Таниқли пўлат эритувчи ҳозиргача ўндан ортиқ шогирд тайёрлади, улар мураккаб касб сирларини мукаммал эгаллаб, цех меҳнат жамоасининг ютуқларига салмоқли ҳисса қўша бошлашди.

Эзгу орзу-интилиш, сидқидил меҳнат ҳамиша муносиб тақдирланади. Олимжон Тўйчиевнинг ҳаёти ва иш фаолияти ҳам бунга ёрқин бир мисол. У ўттиз тўққиз ёшида мамлакатда номдор металлург бўлиб етишди. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвонига сазовор бўлди. Мана энди, мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Печлар оралиқ участкаси бошлиғи Исроил Назаров таъкидлайди: «Олимжон Тўйчиев печь бир маромда, бирор корҳолсиз ишлашини таъминлайди. Бирор камчилик, нуқсон сезса, ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Ўзига ҳам, атрофидагиларга ҳам бирдек талабчан».

Бу меҳнат жамоасидан юксак малакали пўлат эритувчилар, ишлаб чиқаришнинг ғайрат-шижоатли ташкилотлари етишиб чиққан. Бугун ҳам Олимжон Тўйчиев билан ёнма-ён Иномжон Жўраев, Шуҳрат Сирожиддинов, Орифжон Кимсанбоев, Дмитрий Стариков, Аваз Дадабоев, Мавита Мустафоева сингари металлурглар меҳнат қилишаяпти. Уларнинг баҳамжиҳат саъй-ҳаракати мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

— Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллигини муносиб кутиб олдик, — дейди бирлашма касаба уюшма қўмитаси раиси Илҳомжон Қурбонов. — Етти ойда ялпи маҳсулотнинг ўсиш суръати 9,4 фоизни ташкил этди. 444,1 минг тонна пўлат эритилиб, 424,2 минг тонна тайёр прокат ишлаб чиқарилди. 71 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотимизни хорижга экспорт қилдик.

Бу ютуқларнинг негизида Ўзбекистон Қаҳрамони, ХДП аъзоси Олимжон Тўйчиев ва унинг издошларининг меҳнати ётипти. Бекободда бўлиб, электрда пўлат эритиш цехидаги ишларни кузатсангиз, бунга рўй-рост ишонч ҳосил қиласиз.

Бахт қушининг кўзи ўткир. У ҳақиққий меҳнаткашлар, ўз мақсади йўлида собит кишилар бошига қўнади.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

ТОШКЕНТ ТАРИХИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ



Жамиятда ҳам, оилада ҳам аёллар ўз ўрнига эга. Улар таълим бўладими, тиббиёт ёки спорт соҳаларида, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этаяпти. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор эса бу борада янада фаол бўлишни талаб этади. Аслида халқимизнинг узоқ тарихий йўлида хотин-қизларнинг ўз ўрни бўлган. Оқила, доно аёллар иштироки билан адолатли қарорлар қабул қилингани, турли масалалар кўпчиликка маъқул бўладиган тарзда ҳал этилгани тарихдан маълум.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан Бектемир туманида ташкил этилган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тарихий тараққиётида аёл омили» мавзусидаги давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди.

— Ҳозирда эришаётган ютуқларимиз, бизга берилаётган имкониятлар, аёлларга бўлган эътибор, жаҳон билан юзлашаётганимиз — буларнинг барчаси мустақиллик, ҳурлик шарофатидир, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева. — Шарқ халқларида азалдан аёлга ҳурмат, иззат-икром бошқача. Айниқса, хотин-қизларнинг таълим-тарбия жараёнида ўз ўрни, иштироки бўлган. Улар юртнинг мард, жасур, илмли, донишманд фарзандларини тарбиялаб вояга етказган. Тошкент шаҳридан ҳам кўплаб оқила, зиёли аёллар етишиб чиққани маълум. Бугун ҳам Юртбошимизнинг алоҳида эътибори, ғамхўрлиги туфайли жамиятда ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаб бормоқдамиз

Тадбирда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова, Бектемир туман ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси Зиёда Тоҳирова, ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳметбекова ва бошқалар хотин-қизларнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тарихий йўлни босиб ўтишдаги ўрни, бугунги кунда аёллар билан ишлашнинг долзарб вазифалари, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар ҳақида фикр-мулоҳаза билдирдилар. «Фаол аёллар» қаноти нинг бу йўналишдаги вазифалари хусусида сўз юритилди. Ўзига ишонган, ҳар соҳада фаол, ён-атрофдагиларга таъсир кўрсата оладиган хотин-қизлар сафини янада кенгайтириш масалалари ўртага ташланди.

«Ўзбекистон тарихи» давлат музейида ташкил этилган тадбир ҳам Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди. Анжуманда Тошкентнинг шонли тарихи, мустақиллик йилларидаги юксалиши, уни янада обод қилиш, тараққий эттиришда партия ташкилотлари, фаолларнинг ўрни ҳақида сўз юритилди.

Нилуфар НАЗАРОВА
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиблари

УМРИМНИНГ ЁРУҒ ЛАҲЗАЛАРИ



Шундай лаҳзалар бўладики, вақт яшнаб кетади, умрингни боқийликка татигулик энг ёруғ сонияси хотирангда муҳрланиб қолади. Энг улуғ, энг азиз, ҳурлик байрамимиз арафасида бир неча бор шундай саодатга муяссар бўлдим. Мустақиллик йилларида муҳтарам Президентимиз Фармонларига кўра «Дўстлик» ордени билан, бу йил эса «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирландим. Бу бир оддий ижодкор учун жуда катта бахт.

Мен улуғ мукофотни ҳар гиёҳи шеър айтиб гуллайдиган, жаннатларга андаза, миллатнинг асл фарзандларини улғайтирган Фарғона сарзаминига, унинг заҳматкаш, бағри кенг халқининг фидокорона меҳнатига эътироф рамзи деб биламан. Бу мукофотни шу озод, дориламон кунларни орзу қилган, куйлаган, лекин бу эркин, фаровон замонимизни кўролмаган, кўргани эрксизлик, истибдод бўлган улуғ адибу шоирларимизнинг пок руҳларига эҳтиром деб биламан.

Бу ишонч, бу эътиборни бугунги миллий адабиётимизнинг гуллаши, юксалиши учун хизмат қилаётган устозларимнинг меҳнатига, Фарғона адабий муҳитига берилган баҳо деб биламан. Миллатнинг асл фарзандлари, ўз шогирдларини ҳамиша қўллаб-қувватлаб турган устозларим Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ шоирлари Охунжон Ҳакимов, Анвар Обиджон, халқнинг суюкли ижодкорлари Малика Мирзаева, Анвар Юнус, Исмоил Маҳмуд сингари ўнлаб устозларимнинг дуолари шарофатидан деб биламан.

Бу ишонч мени эртанги катта ишларга руҳлантиради, юрагимга қанот, эзгу мақсадларимга нажот беради. Президентимиз ижод аҳлига мурожаат қилиб: **«Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир»,** — деган каломи онгу шууримда қайта-қайта жаранглайверади.

18 йил... Бу мангулик олдида оний лаҳзалар, халос. Лекин мана шу қисқа муддат ичида она Ўзбекистонимизни бутун башарият шиддат билан тараққиётга интилаётган ёш ва салоҳиятли давлат сифатида тан олди. Жаҳон айвонида ўзбек деган ном мағрур жарангламоқда. Юртимизнинг ҳар бир гўшасидаги бунёдкорлик ишларини кўриб кўзинг, дилинг қувонади. Энг улуғ эврилиш, беқиёс ўзгаришлар одамларимиз қалбида, тафаккурида, эртанги буюк кунларга умиду интилишида намоён бўлмоқда.

Бугунги мураккаб замонда башариятни эртанги кунга пок қалб билан етказиш, халқнинг миллий ўзлиги, тафаккурини юксалтиришдек масъулият зиммасида бўлган ёзувчининг холис ва ҳақ, ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам зарур, муҳим ва аҳамиятлидир. Ёзувчи халқи мустақиллик давридагидек эътибор ва қадр топмаган. Президентимизнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини ошириш, миллий адабиётимизни ривожлантириш борасидаги Мурожаатлари ҳам нафақат ижод аҳлига, балки бутун маънавий ҳаётимиз учун умуммиллий аҳамиятга эга, адабиётимизнинг бугунги ва эртанги истиқболини ўйлаб кўрсатилган чинакам ғамхўрликдир. Президентимиз ўз Мурожаатларида: **«Шахсан мен шоир ва адибларни доимо жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагида, дунёқарашида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёрқин бадиий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун куюниб яшайдиган фидойи инсонлар, деб биламан»,** дея ижод аҳлига юксак баҳо берди. Бу ишончни оқлаш масъулияти зиммамизда турибди. Ўзимга ва барча ижодкорларга ҳамиша ана шундай эътирофга муносиб бўлиш, халқимизни буюк келажакка сафарбар этиш бахтини тилайман.

Энахон СИДДИҚОВА,
Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими масъул котиби,
Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси

Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

ФИДОЙИ ЁШЛАР ЮРТ ТАЯНЧИДИР

Айни кунларда Қумқўрғонда 69 та умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд. Уларда 45 мингга яқин ўғил-қиз таълим-тарбия олишмоқда. Бу аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этишидан далолатдир. «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорнинг ижросини таъминлаш борасида туманда кенг қамровли ишлар бажарилаяпти.

2004 йилда «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 70 миллион сўмга шинам мактаб бунёд этилганди. Айни кунларда мазкур даргоҳда юз нафарга яқин ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Шунингдек, «Пахтаобод»даги 8-умумий ўрта таълим мактаби ҳам ўша йили қайта чирой очди. Бунга эса ҳукуматимиз томонидан 28 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. 2005-2008 йилларда жами 46 та мактабда капитал реконструкция, мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бир сўз билан айтганда, таълим ривожи учун уч йилда 4,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

— Жорий ўқув йилини ҳам муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда, — дейди туман ҳокими Жалғаш Маматмўминов. — Шу кунгача 12-, 44-, 48-, 52-, 43-, 46-ҳамда 61-умумий ўрта таълим мактабларида 2,5 миллиард сўмдан ортиқ реконструкция ишлари уддаланган бўлса, етитта даргоҳда жорий таъмирлаш поёнига етказилаётир.

Зиё масканларини замонавий ўқув қуроллари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бугун компьютер хоналари, махсус фанлар учун синфхона ва жиҳозлар, лабораториялар, янги нашрдаги китоб ҳамда қўлланмалар келажак авлод тарбиясида муҳим ўрин тутмоқда.

— Келгуси йилда қишлоқларда қарийб 500 ўринга мўлжалланган яна иккита мактаб бунёд этиш манзилий дастурга киритилган, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Абдурасул Эсонов. — Бундан ташқари, 5-, 30-, 60-, ва 65-умумий ўрта таълим мактаблари тасарруфида янги ўқув бинолари, спорт заллари қад ростлайди. Бу албатта истиқлол шарофати билан ёшларимиз учун кенг имкониятлар яратилганидан далолатдир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УЛУҒ ИМОРАТДАН

буюк келажак эгалари етишиб чиқмоқда

Таълим-тарбия ҳар бир давлат, жамият, даврнинг қиёфаси, тараққиётини белгилайдиган кучдир. Таълим-тарбия, илм, заковатнинг кучини бошқа ҳеч нарса билан қиёслаб, таққослаб бўлмайди. Бу ҳақда улуғ маърифатпарвар боболаримиз ўз асарларида қимматли фикрларни билдирганлар. Ҳаётда, шогирдлар тарбиясида ўзлари ҳам шу ақида, мезонларга амал қилган.

Ана шуларнинг барчаси ҳисобга олиниб, юртимизда бу соҳага давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Таълим ислоҳотлари босқичма-босқич, изчил олиб борилаяпти. Бунинг натижасида дунё иморатларининг энг улуғи, энг буюги бўлган мактабларимиздан бугунги ва эртанги ёруғ кунларимиз, буюк келажагимизнинг ҳақиқий эгалари етишиб чиқаяпти.

Биргина бизнинг мактабимиз мисолида ҳам бунинг исботини кўриш мумкин. Ушбу даргоҳда бугунги кунда 665 нафар ўқувчи таҳсил олади. Уларга 50 нафарга яқин тажрибали ва ёш ўқитувчилар таълим-тарбия бермоқда. Ўқувчиларимиз туман, вилоят даражасида фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этаётгани устозлар меҳнати самарасини кўрсатмоқда. Айниқса, кейинги йилларда сабоқ беришда янги педагогик технологияларнинг қўлланаётгани, интерфаол усуллардан фойдаланилаётгани биз кутаётган натижаларни бермоқда.

Ўқувчиларимиз спорт соҳасида ҳам кўплаб ғалабаларга эришмоқдалар. Шу йил Гулистон шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари» мусобақасида қўл тўпи жамоамиз биринчи ўринни эгаллади. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун фан, спорт, ҳунармандчилик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Жамоамизда тарбиявий ишлар борасида ҳам ўзига хос тажриба тўпланди. Хусусан, мактабимиз атрофидаги каттагина бўш ерда битирувчи синф ўқувчилари ташаббуси билан «Битирувчилар», бошланғич синф ўқувчилари томонидан «Илк қадам», иқтидорли ўқувчиларнинг «Умид ниҳоллари» боғлари ташкил этилган. Табиатга қизиқувчи ўқувчиларимиз эса «Нафосат» номли яна бир боғ яратишган. Унда мамлакатимиз ва дунёнинг турли гўшаларида ўсадиган гуллар парвариш қилинади.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз Президентимизнинг алоҳида ғамхўрлигини ҳис этиб, меҳнат қилмоқдамиз. Юртбошимизнинг доимий эътибори туфайли ўқитувчи деган ном ўзининг ҳақиқий мақомига эга бўлди. Жамиятда бу касбнинг обрўси, нуфузи янада ортаяпти. Директор жамғармаси орқали ўқитувчилар моддий жиҳатдан қўшимча рағбатлантирилаётгани ҳам ўз ишимизга масъулиятни янада оширмоқда.

Бугун ўсиб келаётган авлод эртамизнинг қандай бўлишини белгилайди. Уларнинг қандай инсонлар бўлиб етишиши эса устоз ва мураббийлар меҳнати, жонкуярлигига боғлиқ. Буни юракдан чуқур тушуниш, англаш, ҳис этиш эса ўқитувчи зиммасига улкан масъулият юклайди.

Шерали САҒАТОВ,
Сирдарё туманидаги 41-мактаб директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари, ЎзХДП фаоли.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Автомототранспорт воситаларининг давлат рақами белгиларини бошқа жиноятларни содир этишда фойдаланиш мақсадида қонунга хилоф равишда эгаллаб олганлик учун жавобгарлик белгилайдиган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилиб, маъқулланди. Қонун билан киритилаётган ўзгартишлар жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги тегишли камчиликни бартараф этади ва автомототранспорт воситаларининг давлат рақами белгиларини ўғирлаш билан боғлиқ жиноятларни очишга қаратилган тезкор қидирув ва тергов ишларининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.



Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2008 йил юзасидан ҳисоботи тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф.Муллажоновнинг ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб, сенаторлар Марказий банк 2008 йилда ўз фаолиятини «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширганлигини ҳамда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 февралдаги мажлисида, шунингдек, 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби» деган маърузасида қўйилган устувор вазифаларнинг, шу жумладан, банк секторидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш соҳасидаги вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаганлигини кўрсатиб ўтдилар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ялпи мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, 2008 йилда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг умумий капитали 2007 йилдагига нисбатан 40 фоиздан зиёд кўпайди. Банк соҳасини кенгайтириш, янги мини-банклар ва филиалларни очиш, шунингдек, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш ҳисобига банкмолия тизимида рақобатчилик муносабатларини кенгайтириш учун зарур шароитлар яратилмоқда, иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳаларини амалга оширишга, шунингдек, кичик бизнес субъектларини, фермер хўжаликларини ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағларнинг ҳажмлари анча кўпайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини мувозанатли ва барқарор ривожлантиришга қаратилган инқирозга қарши тадбирларни амалга ошириш доирасида иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва фаолиятини қайта тиклаш учун 78 та банкрот корхона тижорат банкларининг балансига қабул қилинди. Улар негизида 33 та янги корхона ташкил этилди, шунингдек, 33 та корхона янги инвесторларга 487 миллиард сўмга сотилди.

Банк капитали ва депозитларнинг юқори суръатлар билан ўсиши, ўз навбатида, банкларнинг иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштироки фаоллашувига ва уларнинг активлари кўпайишига ижобий таъсир кўрсатди. 2008 йилда банкларнинг активлари 2,8 триллион сўмга ёки 30 фоизга кўпайди ва 2009 йил 1 январь ҳолатига 12,1 триллион сўмни ташкил этди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш асносида Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олиш жараёнларида банк тизимининг иштирокини янада кенгайтириш, миллий валютанинг барқарорлигини мустаҳкамлаш ва бутун банк тизимининг самарадорлигини ошириш ишларини давом эттириши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2008 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш чоғида мамлакатнинг олий молиявий назорат органи томонидан ҳисобот даврида бир қатор устувор йўналишларда, чунончи, ўтган йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни ташқи аудит қилиш ва баҳолаш, солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ва Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети лойиҳасини экспертиза қилиш, Давлат бюджети харажатларининг бюджет маблағлари билан таъминланганлигини, солиқлар ва мажбурий тўловларнинг иқтисодиётни ривожлантиришга ҳамда аҳоли даромадларини кўпайтиришга таъсир этувчи восита сифатида фискал сиёсатдаги ролини таҳлил қилиш бўйича қатор назорат тадбирлари амалга оширилганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Шу билан бирга Ҳисоб палатаси ўз фаолиятида фақат молиявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш билангина чекланиб қолмасдан, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам чуқур ўрганди, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бундай ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ва бундан буён уларга йўл қўймаслик юзасидан таклифлар ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ инқирозга қарши чоралар доирасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизнинг йирик саноат корхоналари томонидан ўз маҳсулотларининг таннархини пасайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилаётган давлат маблағларининг фойдаланиш самарадорлиги ўрганилмоқда.

Сенаторлар томонидан Ҳисоб палатаси тадбирларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда миллий иқтисодиётни либераллаштириш жараёнида молиявий тартиббузарликларга барҳам бериш ва уларни қисқартириш юзасидан бир қатор таклифлар билдирилди.

Ҳисоботларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ялпи мажлисда йигирмадан ортиқ масала, шу жумладан, 16 та қонун кўриб чиқилди. Бу қонунларнинг амалга оширилиши демократик ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқимиз фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Истиқлол имкониятлари

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

бу борада давлатимиз томонидан олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар ҳақида

Мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб ўтган давр мобайнида давлатимиз томонидан аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатламини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда.

Агар мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ижтимоий ҳимоя чоралари билан фуқароларнинг барча табақалари қамраб олинган бўлса, 1990-йиллар ўрталаридан бошлаб аниқ йўналтирилган, манзилли ижтимоий ҳимоялашга ўтилди ва бунда асосий эътибор жамиятнинг ҳимояга муҳтож табақаларига қаратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги, «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларда мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, вояга етмаган болали оилаларга ва болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилаётган ишламаётган ҳамда бюджет ташкилотларида ишлаётган оналарга нафақалар давлат бюджетидан ойма-ой тўлаб борилмоқда. Бу эса халқимизнинг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини манзилли қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир.

Шу ўринда бир мисолни айтиб ўтайлик. **Биргина жорий йилнинг олти ойи мобайнида ўзини ўзи бошқариш органлари орқали 1144 минг кам таъминланган ва болали оилаларни қўллаб-қувватлаш учун 393,5 миллиард сўм миқдорида бюджет маблағлари йўналтирилди.**

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг асосий йўналишларидан бири қария, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни пенсия билан таъминлаш, сиҳатгоҳларда соғломлаштириш, ҳукуматимиз томонидан белгиланган имтиёзлар, протез-ортопедия маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашларини амалга оширишдан иборат бўлиб келган. Давлат дастури қабул қилиниши вазирлик олдига қария, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиниши, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланишини янада кучайтиришга доир аниқ чора-тадбирларни рўёбга чиқариш вазифасини қўйди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида вазирликнинг тегишли буйруқлари қабул қилинди, меъёрий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар, тегишли ҳисобот шакллари ишлаб чиқилиб, тизим идора ва муассасаларига етказилди.

Дастур доирасида вазирлик тизимидаги Бухоро шаҳар болалар, Сирдарё ва Хива Мурувват уйлари, «Марварид», «Товоқсой», «Косонсой», «Олтиариқ» уруш ва меҳнат фахрийлари сиҳатгоҳларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, бино-иншоотларини мукаммал таъмирлаш, уларни замонавий физиотерапевтик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 7 ойи мобайнида ушбу муассасаларда 908,9 миллион сўмлик таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди, бу маблағларнинг 555,0 миллион сўмини Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ташкил этади.

Қишлоқ жойларда яшаётган 20 минг пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларни соғломлаштириш режа-жадвали ишлаб чиқилди, **14106 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионер ва ногиронларга бепул сиҳатгоҳ йўлланмаси ажратилиб, улар вазирлик тизимидаги сиҳатгоҳ ва оромгоҳларда соғломлаштирилди.**

Давлат дастури доирасида қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 5 мингта ногиронларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техника воситалари билан таъминлаш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқилди.

5735 нафар муҳтож ногиронлар протез-ортопедия маҳсулотлари, ногиронлик аравачаси, ҳасса ва қўлтиқ таёқ, эшитиш мосламаси билан таъминланди.

Бориш қийин бўлган ва тоғли жойлардаги қишлоқларда яшаётган 700 нафар кўзи ожиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронлар ҳамда катаракта билан касалланган беморларнинг рўйхатлари тузилиб, маълумотлар банки шакллантирилди. Жалб қилинган ҳомийлар маблағи ҳисобидан сунъий кўз гавҳари харид қилиниб, бугунги кунгача 364 нафар катаракта билан касалланган қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Президентимизнинг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан **2007 йилнинг 1 сентябридан давлат бюджетидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажми 1,5 бараварга оширилиб, айни вақтда уни тайинлаш ва тўлаш муддати 3 ойдан 6 ойга узайтирилди.** Юқоридаги баъзи мисоллар аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминловчи серқирра ижтимоий сиёсатимизнинг бир қирраси, холос.

Аммо шу нарса ҳақиқатки, аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг ўзини ўзи таъминлашига эришиш мумкин. Шу боис фаолиятимизнинг бир қисми аҳолини иш билан таъминлаш ва самарали иш ўринларини шакллантиришга қаратилмоқда.

Кам таъминланган оилаларни аниқлашда ва уларга моддий ёрдам кўрсатишда — ижтимоий адолатга сўзсиз риоя қилиш, кўрсатилаётган моддий ёрдам ва нафақаларнинг манзилли бўлишини, ҳақиқатан муҳтож оилаларга берилишини таъминлаш талаб этилади. Айниқса, оилалар ва фуқаролар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларига боқимандаларча ёндашишга йўл қўймаслик, оила аъзоларининг, айниқса, болаларнинг моддий фаровонлигини оширишда оила масъулиятини ошириш, ҳар томонлама жисмоний ва маънавий ривожланиш, билим ва касб-ҳунар даражасини ошириш учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш қоидаларига қатъий амал қилиниши зарур.

Ижтимоий ҳимоялаш, яъни муҳтож бўлган шахсларни моддий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш давлат маблағлари ҳисобидан ва давлат ижтимоий ҳимоялаш тизимлари орқали (давлат ижтимоий ҳимояси) ҳамда нодавлат ташкилотлари, корхоналар, чет эл инсонпарварлик ёрдами ташкилотлари, фуқаролар, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан улар томонидан ёки давлат ижтимоий ҳимоя тизими орқали амалга оширилмоқда.


Ижтимоий ҳимоя пул шаклида (турли нафақалар, компенсация тўловлари), натура шаклида (озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа эҳтиёж товарлари билан таъминлаш), турли ижтимоий хизматлар кўрсатиш тарзида (ногирон ёки ёлғиз қарияларга ижтимоий хизмат кўрсатиш, тиббий реабилитация ва бошқа хизматларни кўрсатиш), муайян ижтимоий имтиёзлар бериш йўли билан (доридармон билан таъминлаш, транспорт воситалардан фойдаланиш, солиқлар, йиғимларни тўлаш ва бошқа соҳаларда) амалга оширилади.

Ижтимоий ҳимоянинг амалга оширилишида давлат ижтимоий ҳимоялаш органлари тизими билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари муҳим роль ўйнамоқда. Бу ҳол кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш, фуқаролик жамияти барпо этиш сари тутган йўлимизга тўла мос келади.

Мўътабар СОДИҚОВА,
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари мониторинги ва таҳлили бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Таълим ва ислоҳот

ЁШЛАР КЕЛАЖАКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ



Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманидаги замонавий коллеж.
Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Ҳукуматимиз томонидан таълим соҳасида амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар бугун жаҳоннинг энг илғор мамлакатларида ҳам эътироф этилмоқда. Айниқса, ўлкамизнинг ҳар бир масканида қад ростлаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари барчамизнинг фахру ғуруримизга айланиб улгурди. Қувонарлиси, теварак-атрофимизга кўрку чирой бағишлаб турган ушбу таълим кошоналарида ўқувчилар камида уч-тўртта мутахассисликни эгалламоқда.

Ҳозирда ёшларимизга яратилаётган қатор шарт-шароит ва имкониятларни Мустақилликдан илгари ҳатто орзу қилишимиз ҳам мумкин эмас эди. Биргина ўтган асрда яшаб ижод этган маърифатпарварларимизнинг ҳаётини ёдга олайлик. Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий сингари ватандошларимизнинг энг буюк орзуси халқни илмга, юксак маънавият ва маърифатга етаклаш бўлган. Улар мустабид тузум даврида шу олижаноб мақсад йўлида курашдилар ва ҳатто жонларини ҳам аямадилар.

Шукрки, боболаримиз орзу қилган дориломон кунлар келди. Истиқлол фарзандлари бугун энг замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозланган муҳташам илм даргоҳларида таълим олиш имкониятига эга бўлишди.

Юртимизда касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшларни иш билан таъминлаш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «2006-2010 йилларда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини сифатли тайёрлаш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланиш бўйича намунавий ҳудудий дастур» қабул қилинган. Унга асосан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда 2010 йилгача ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашнинг истиқболли режаси ишлаб чиқилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддаси ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 4,6-бандига мувофиқ коллежларимизда Васийлик кенгаши ташкил этилган. Бундан кўзланган мақсад, таълим муассасаларида кичик мутахассислар тайёрлаш жараёнини бошқариш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда малакали ёш кадрларни етказиб беришда самарали ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйишдир.

Фарзандларимизни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг илк босқичи бўлган мактабларимизга ҳам катта эътибор бериляпти. Уларнинг бугунги қиёфаси муҳташам коллеж-лицейларимиздан асло қолишмайди. Мустабид тузум йилларида мактаб, таълим масалаларига маблағ ажратиш хусусида деярли гап бўлмасди. Энди эса давлатимизнинг асосий маблағи таълим соҳасини ривожлантириш учун сарфланмоқда. Хусусан, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тўғрисидаги муҳим ҳужжатни алоҳида қайд этмоқ лозим. Муҳтарам Президентимиз бу ҳақда жумладан шундай дейди: **«Таълим учун харажатлар Давлат бюджети харажатлари умумий қийматининг қарийб ярмини ташкил этади. Бироқ мен уларни харажат эмас, келажак учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблайман, чунки таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омилдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида мавжуд умумтаълим мактабларининг қарийб 90 фоизи таъмирланиб, қайта жиҳозланмоқда...»**

Ислоҳотлар нафақат шаҳар жойларда, балки мамлакатимизнинг энг чекка туманлари, қишлоқларида ҳам жадал суръатлар билан давом этмоқда. Яқинда Ургут туманидаги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида бўлдим. Саккизта йўналишга ихтисослашган ушбу таълим масканида ёшларимизга яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган юксак эътиборни кўриб, очиғи ҳавасим келди. Айниқса, талабаларнинг фикрлари, дунёқараши ўзгача. Уларнинг гап-сўзларидан она-Ватанга бўлган муҳаббат, касбига қўйган меҳр ва садоқатни англаш қийин эмас.

— Уч йил мобайнида коллежнинг ёғоч-ўймакорлик йўналишида таълим олдим, — дейди ёш ҳунарманд Ўктам Маъдиев. — Танлаган касбимдан мамнунман. Зеро, ота-боболарим ҳам туманимизнинг донгдор усталари саналишган. Келажакда уларга муносиб ворис бўлиб, ўз меҳнатим билан эл-юртга хизмат қилмоқчиман.

Давлатимиз раҳбарининг таълим тизимига алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас, албатта. Зеро, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини ёшлар ташкил қилади. Амалга оширилаётган бугунги ислоҳотлар фарзандларимизнинг келажагига қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

Муҳаммадали САИДОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

МУСТАҚИЛЛИК — ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

Ўзбекистон Республикаси ўз Мустақиллигига эришгач, эркин ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўзининг бош мақсади этиб белгилади.

Тарихан қисқа муддатда Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу қомусий ҳужжатда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди.

Ҳар томонлама ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилди, ўз навбатида миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарга таянилди. Инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёрлардан устунлиги Конституцияда мустаҳкамланди.

Мамлакатнинг Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди. Икки палатали парламентимизнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги ваколатларнинг мувофиқлашувини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда Президент ваколатларининг бир қисмини юқори палата — Сенатга ўтказиш, шунингдек, Бош вазир ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этиши ҳисобга олиниб, 2006 йил ноябрида Президентимиз ташаббуси билан киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий Қонун қабул қилинди. Бу, ҳеч шубҳасиз, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Судлар ихтисослаштирилди, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди. 2008 йил июль ойида суд қонунчилигини демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича махсус тадқиқот Маркази ташкил этилди.

2008 йил январидан ўлим жазоси бекор қилиниб, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судларга ўтказилди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига доир 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатларни имзолади. Мамлакат БМТнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги 6 асосий халқаро келишувлари аъзосидир.

Президентимизнинг 2008 йил 1 майда қабул қилинган Фармонига мувофиқ, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури қабул қилинди, адвокатлик тизими ислоҳ этилиб, адвокатлар палатаси тузилди.

Мустақил давлатчилигимиз даврида эришилган муҳим ютуқлардан бири шуки, Конституция ва қонуннинг устунлиги ғояси ижтимоий онгимизнинг таркибий қисмига айланди. Қонунни четлаб ўтиш эмас, аксинча, қонун талаблари асосида унга мос ва мувофиқ равишда яшаш лозимлиги тобора онгу шууримизга сингиб бормоқда.

Бугун амалга оширган улуғвор ишларимизни сарҳисоб қилиб айтадиган бўлсак, бу ишлар Ватанимизнинг катта тараққиёт йўлига чиқиб олиши, дунёдаги равожланган давлатлар қаторига қўшилиши, буюк мақсадларимизга эришиш борасида қўйилган улкан қадамлар эканини ҳаммамиз яхши англаб олмоқдамиз.

Мустақиллик халқимизга ўз юртида қадр-қиммати, бўй-басти, ўз маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий ғурур ва Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдирди. Мустақиллик инсон ҳуқуқларини қарор топтириш учун пойдевор, асос бўлиб хизмат қилди ва ҳеч шубҳасиз, у ҳуқуқ ва манфаатларимизнинг ҳимоячиси, қонун устуворлигининг кафолати ҳисобланади.

Комил ШАРИПОВ,
Сурхондарё вилоят ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи.

Ўз мухбирларимиз хабар қиладилар

ЙЎЛОВЧИ ПОЕЗДИ ЙЎЛГА ТУШДИ

«Тошкент — Термиз» йўловчи ташиш поезди Термизга «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли орқали келди

Аср мўъжизаси деб ном олган бу улуғвор темир йўл фойдаланишга топширилгандан сўнг икки йил мобайнида 7 миллион тоннага яқин юк ташилди. Ниҳоят, энг улуғ байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида «Тошкент — Термиз» йўловчи ташиш поезди янги темир йўл орқали манзилга етиб келди. Сурхон элининг қувончига қувонч қўшилди.

— Янги йўналишда аввалгига нисбатан масофа 170 километрга қисқарди. Натижада чипталар нархи 20-25 фоизга арзонлашди. Юриш вақти беш ярим соатга қисқарди, — дейди «Ўзбектемирйўловчи» акциядорлик жамиятининг Сурхондарё вилоят филиали бошлиғи Ўткир Хуррамов.

Истиқлол шарофати ила бунёд этилган темир йўл воҳа аҳолиси учун катта қулайликлар яратди.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ

Истиқлол шодиёналари арафасида Бойсун тумани тиббиёт бирлашмаси жамоаси Япониядан келтирилган 85 минг 375 долларлик замонавий тиббий асбоб-ускуналарга эга бўлди.

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ УСКУНАЛАРИ

Айни кунларда туманда қарийиб 25 минг нафарга яқин аёллар истиқомат қилиши инобатга олинса, тоғли ҳудуд ҳалқи учун бу айни муддаодир. Истиқлол йилларида бирлашма тасарруфидаги туғруқ мажмуаси 175 миллион сўмга қайта таъмирланганди. Янги асбоб-ускуналар эса оналар ва болалар соғлиги йўлида хизмат қилиши муқаррар.


(Ўз мухбиримиз)

ГИШТ ЗАВОДИ ҚУРИЛДИ

Музработ туманидаги Жартепа қишлоғида ғишт заводи бунёд этилди. Корхона замонавий хориж дастгоҳлари билан жиҳозланган бўлиб, унда кунига 80-100 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин.

(Ўз мухбиримиз)

САРИОСИЁДА ЯНГИ ЗИЁ МАСКАНИ



Истиқлол йилларида юртимиз ҳақиқий маънода бунёдкорлик майдонига айланди. Мамлакатимизда қўшалоқ байрам нишонланаётган айни шу кунларда Сариосиё туманида Термиз давлат университети қошидаги 4-сон Академик лицей биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Уч қаватли кўркам зиё маскани қурилишига 3 миллиард 101 миллион сўм маблағ сарфланган.

— Қурилиш ишларини тумандаги «Махсусқурилиш таъмирлаш» корхонаси қисқа муддатларда поёнига етказди, — дейди лицей директори Абдуғани Исмоилов. — Янги зиё масканимизда ажойиб стадион, улкан спорт зали, ошхона, ювиниш-ечиниш хоналари мавжуд. Лингафон ва компьютер билан жиҳозланган махсус синфхоналар ёшларнинг янада чуқур билим олишларида муҳим ўрин тутади. Аниқ, ижтимоий, табиий фанлар ҳамда хориж филологияси йўналишларида билим олишга йўналтирилган лицейимизга 330 нафар ўқувчи қабул қилинди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бу зиё маскани сариосиёлик ёшлар учун ҳақиқий байрам совғаси бўлди.

Янги ўқув биносининг топширилишига бағишланган тантанада бир гуруҳ қурувчиларга туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Шундан сўнг замонавий ўқув биносини унинг ҳақиқий эгалари бўлган сариосиёлик бахтиёр ёшлар кўздан кечиришди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Суратда: *4-сон Академик лицей биноси.*
Илҳом АБДУРАЗЗОҚОВ олган сурат.

Бугун Чортоқ тумани аҳлининг қувончига қувонч қўшилди.

ЧОРТОҚДА ҚЎШМА КОРХОНА

Негаки, «CHARTAK DAEHAN TEXTILE» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг ишга туширилгани чортоқликлар учун чинакам байрам совғаси бўлди.

Низом жамғармаси 2 миллиард 941 миллион сўм бўлиб, шунинг 51 фоизи жанубий кореяликлар улушига тўғри келади. Кореядан 30 та ип йигирув дастгоҳи келтириб ўрнатилди. Йилига 3300 тонна пахта толаси қайта ишланадиган қўшма корхонада 210 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ


ЗАМОНАВИЙ АЛОҚА ҚУРИЛМАЛАРИ

Наманган вилояти марказидан 100 километр олисда бўлган Поп туманининг Уйғурсой қишлоғида миниАТС ишга туширилди. Алоқа хизмати яхшиланганидан қишлоқ аҳлининг қувончи чексиз.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида «Наманган-Телеком» мутахассислари 18 та қишлоқ телефон станциясини янгиси билан алмаштиришни режалаштирган. Йил бошидан буён уларнинг 6 таси ишга туширилди.

(Ўз мухбиримиз)

БОЛАЛАР УЧУН МАЙДОНЧА



3500 дан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Сергели тумани, Дўстлик мавзеси, Мустақиллик маҳалласида яшовчи болажонлар қўшалоқ байрам арафасида катталардан ажойиб совға қабул қилиб олишди.

Туман прокуратураси ташаббуси билан маҳаллада болалар ўйин майдончаси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Ота-оналар фарзандларига кўрсатилган бундай ғамхўрликдан бошлари осмонга етди. Майдончани тўлдириб ўйнаб юрган болаларнинг эса қувончлари чексиз.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ


«ГЎЗАЛ»ДА ЯНА БИР КОШОНА

Наманган шаҳрининг «Гўзал» мавзесида тиббиёт коллежи биноси қад ростлади. 585 ўқувчи ўринли 2-тиббиёт коллежини барпо этиш учун 2 миллиард 715 миллион сўм маблағ сарфланди.

Наманган темир-бетон буюмлари заводи МЧЖнинг 180 нафар тажрибали усталари томонидан ўз вақтида, сифатли қурилган мазкур илм масканида кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам поёнига етди.

(Ўз мухбиримиз)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят ҳамда Қарши шаҳар кенгашлари




партия аъзолари, тарафдорлари, хайрихоҳлари, электорати ва барча юртдошларимизни Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Барчамизнинг хонадонимиздан тинчлик, тотувлик, хотиржамлик, қут-барака, фаровонлик аримасин!



«БУХОРОПАХТАСАНОАТ»
ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси



Юртдошларимизни Истиқлолимизнинг 18 йиллик шодиёнаси ҳамда пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи билан чин дилдан табриклайди.

Юртимизга тинчлик-осойишталик, халқимизга тўкин-сочинлик ва фаровонлик тилаймиз.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Мустақиллик иншоотлари

МАҲАЛЛАГА — КЎРК, ТУРМУШГА — ФАЙЗ-БАРАКА

Бугун ҳар бир шаҳар ва қишлоқда энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни шодиёналарининг шукуҳли кайфияти яққол сезилаяпти. Қаерга борманг, дилни қувончга тўлдирувчи бирор янгилик эшитасиз.

Янгибозордаги «SOLEY TEXSTILE» қўшма корхонасида дастлабки натижалар сарҳисоб қилинаётган экан. Ўзбекистон — Россия — Туркия сармоядорлари ҳамкорликда барпо этган корхона раҳбари Козимбей Чатал Тарла мамнуният билан:

— Шукрки, барча режаларимиз рўёбга чиқаяпти, — деди. — Қисқа муддатда Россия бозорларига 1 миллиард 590 минг доллар миқдорида болалар кийимлари етказиб бердик.

Юқори Чирчиқ туман ҳокимлигида эса, шу корхона ишга туширилиши боис 200 нафар йигит-қиз ишли бўлганлигини алоҳида таъкидлашди. Айтишларича, корхонада яна 70 та янги иш ўрни яратилиб, маҳсулот ҳажмини бир ярим баробар кўпайтириш юзасидан қизғин иш олиб борилмоқда.

Тошкент вилоятида мустақиллик байрамигача 50 дан зиёд янги корхона, мактаб, лицей ва коллеж, бошқа ижтимоий-ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш мўлжалланган эди. Шу кунларда қурувчилар уларни фойдаланишга топширишяпти. Чунончи, Ўрта Чирчиқ туманида «Секко-Александрия» қўшма корхонаси мева ва сабзавотларни қайта ишлаб, истеъмолчиларга 15 турдаги турли ноз-неъматларни етказиб бера бошлади.

Тошкент туманида эса «HI-TECH KABEL» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга киришди. Унда туман қишлоқларидан 360 нафар йигит-қиз ўзига яраша иш топди. Улар эндиликда мураккаб технологик ускуналарни мустақил бошқаришаяпти.

Қуйи Чирчиқ туманида мустақиллик иншоотларининг бутун бир шодаси барпо этилди. Ҳокимнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Саидхўжа Исроиловнинг айтишича, туман қишлоқларида янги маиший хизмат корхоналари, даволаш муассасалари, паррандачилик фермалари ишга тушяпти. Чунончи, Янгиҳаёт қишлоғининг Хўжа маҳалласида маиший хизмат мажмуи барпо этилди, қишлоқ гузарини қуриб битказилди. У савдо дўконлари, дорихона, «Акфа» алюмин ромларини йиғувчи устахонани ўз ичига олган. Умуман, бу иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши билан 54 киши ишга жойлашди.

Шундай, Тошкент вилоятини айланиб, қайси шаҳар ёки қишлоққа борманг, байрам кайфияти устидан чиқасиз. Мустақиллик иншоотлари маҳаллалар қиёфасини ўзгартириб, турмушга файз-барака киритаяпти.

(Ўз мухбиримиз)



Миллий қадриятимиз

БЕШИК БОЛАНИ ТЕБРАТАР...

Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида руҳшунос Штилерман зеҳний ривожланиш устида тадқиқот ўтказиб, рус ва украин болалари билан қиёслаган ҳолда, ўзбек болалари бошқа миллат вакилларига нисбатан ақлан заиф деган хулосага келган. Бунга эса бешикни сабаб қилиб кўрсатган. Бироқ унинг шовинистик руҳдаги хулосалари ҳеч қандай жиддий асосга таянмагани учун, ўз даврида ҳамкасблари томонидан қаттиқ танқидга учраган. Зеро, бу каби фикрларда оз бўлса ҳам ҳақиқат бўлганида эди, ўзбеклардан дунё тан олган илм дарғалари етишиб чиқармиди? Жаҳонни лол қолдирган буюк маданиятга бу диёр бешиклик қилармиди?

Болани жисмонан етук қилиб вояга етказишда халқимиз неча замонлардан бери бешикка таяниб келмоқда. Беруний, Фарғоний, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби зотлар ҳам шу миттигина кошонада камол топишган. Бугунги кунда ҳам унинг деярли ҳар бир хонадонда ўзига яраша ўрни бор.

Бешик тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақалади. У ҳақидаги дастлабки маълумотлар XI асрда яшаб ижод этган машҳур тилшунос олим Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит турк» асарида тилга олинади. Туркий сўзлар девонида бу сўз бешик, бешик ўгриди шаклида учрайди. Бешик ўгриди — хотин бешик тебратди деб изоҳланади. Қошғарий, шунингдек, бу сўзни кўчма маънода, яъни ёш боладек лақиллатди, айлантирди каби маъноларда ҳам қўлланганлигини таъкидлайди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бирор-бир кўчма маънодаги иборани вужудга келиб, сайқал топгунича бир неча йиллар керак бўлади. Демак, бешик ва бешикчилик санъати Қошғарий яшаган замондан ҳам анча илгари вужудга келганини билишимиз мумкин.

Маълумки, Шош вилоятининг 9-12 асрларда марказий шаҳри бўлган Бинкатда савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик юксак даражада ривожланган. Археологик тадқиқотлар натижасида бу ҳудуддан кулолчилик, темирчилик, шишасозлик устахоналари ва ғишт бўлаклари билан бирга шишадан ясалган тувак ва сумак ҳам топилган. Бугунги кунда улар ЎзРФА археология бўлими қошидаги музейда сақланмоқда.

Таниқли этнограф олим У.Қорабоев ўзининг «Ўзбек халқи байрамлари» китобида фақат Ўрта Осиё халқларига хос бўлган сумак ва тувакни ўрта асрларда яшаб ўтган ҳунарманд боболаримизнинг кашфиёти деб айтиб ўтади.

Миллий ҳунармандчилигимизнинг ноёб дурдонаси бўлмиш бешикчилик санъати ўзининг қадимийлиги билан бир қаторда оғир ва машаққатли меҳнат талаб қилиши билан ҳам ажралиб туради. Чунончи, бешикнинг асосий қисмлари бўлган пойдевор, кўприк, эгма, қубба ва оёқларнинг ҳар бири алоҳида дарахт ёғочлари — тут, баъзида ўрик, ёнғоқ эгмаси ва сумаги эса кўпинча юмшоқроқ бўлган тол навдасидан ясалади. Шуниси диққатга сазоворки, моҳир усталаримиз бешик ясашда биророрта ҳам мих ишлатишмайди.

Бугунги кунда юртимиз бозорларининг ҳунармандчилик расталарида бешикларнинг кўплаб бежирим турлари мавжуд. Маҳаллий аҳоли орасида асосан сиркори ва хом бешик турлари кенг тарқалган. Бир неча асрлардан бери аждодлар меросини муносиб давом эттириб келаётган Ҳакимовлар сулоласининг вакиласи Раъно опанинг айтишича, сувда қорилган оддий бўёқ билан безатилган хом бешик чақалоқ учун жуда фойдали экан.

— Умуман, бешикнинг тиббий аҳамияти каттадир, — дейди у киши. — Ёш чақалоқнинг суяк тузилиши катталарникидан тубдан фарқ қилади. Бола суяклари бир бири билан ёпишган жойларда тоғайсимон юмшоқ модда бўлади. Бу суякларнинг ўсишини таъминлайди. Чақалоқ бешикка белаб қўйилганда, аввало мана шу тоғайсимон моддалар суякларга баробар тақсимланади. Натижада гўдакнинг барча суяклари тўғри ривожланади».

Халқимизда «Пойдевор мустаҳкам бўлса — уй чиройли чиқади» деган мақол бор. Бешик ҳам болаларнинг суяклари чиройли ўсишига хизмат қиладиган ўзига хос тахтдир. Қайсидир маънода илк табиий памперсни ҳам, ота боболаримиз ўйлаб топишган, десак, хато бўлмайди. Сабаби бешик қовузи ҳавони яхши ўтказади, намни тез шимиб олади ва тез қурийди.


Халқимиз аждодлар мероси бўлмиш миллий қадриятларимизни доимо асраб ардоқлаб келади. Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар оиласида тўнғич фарзанд туғилиши шарафига ўтказиладиган тантанали маросим — бешик тўйи каби урф одат ва тўй маросимларининг ўтказиб келиниши эса, бу мўъжаз кошонанинг миллатимиз тақдирида нечоғли муҳим ўрин тутишидан далолатдир.

Дилшод НАЗРУЛЛАЕВ

Ватанимиз Мустақиллигининг 18 йиллигига мамлакатимиз спортчилари ҳам муносиб совға ҳозирладилар. Жумладан, Жанубий Кореяда таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган Korea Open йирик халқаро турнирида вакилларимиз муваффақиятли иштирок этишди.

АКМАЛ ЭРГАШЕВ — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Дунёнинг эллик тўрт давлатидан икки минг нафардан зиёд таэквондочи қатнашган ушбу нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида битта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалига сазовор бўлди. Унда Пекин олимпиадаси иштирокчиси Акмал Эргашев (81 кг.) шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, Осиё ўйинлари совриндори Евгения Каримова (+ 75 кг.) кумуш, Егорь Ли (72 кг.) ҳамда Венера Абдураззоқова (57 кг.)лар ўз вазн тоифаларида бронза медаллари билан тақдирландилар.





ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ БРОНЗАСИ

Голландиянинг Роттердам шаҳрида дзюдо бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ер куррасининг энг сара полвонлари иштирок этган мазкур мусобақада Мустақил Ўзбекистон дзюдочилари ҳам ғолиблик учун баҳс юритишди.

Беш кун давом этган муросасиз беллашувлар якунида дзюдочиларимиздан Давлат Чориев (90 кг.) ҳамда Абдулла Тангриев (+100 кг.)лар ўз вазн тоифаларида кучли учликдан жой олдилар.

Эркин ХОЛБОБО





Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

УЛУҒ ТЎЙИНГ МУБОРАК БЎЛСИН, ҚАДИМ ВА НАВҚИРОН ПОЙТАХТИМ!



Пойтахтимизнинг марказий майдони 1991 йил 31 августда Президентимиз Фармони билан «Мустақиллик майдони» деб аталди. 2004-2005 йилларда озодлигимиз тимсоли бўлган кўркам ва улуғвор Бош майдон барпо этилди.



Президентимиз ташаббуси билан 1993 йил 3 августда пойтахтимиз марказида буюк бобомиз Амир Темур ҳайкали ўрнатилди.



Тошкент куранти — гўзал пойтахтимиз тимсолларидан биридир. Байрам арафасида «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи ёнида иккинчи курант барпо этилди.

Бу муҳташам ва муаззам бинолар мамлакатимизнинг куч-қудрати, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти тимсолидир!



2001 йил 2-сентябр куни Ўзбекистон миллий академик драма театри тубдан қайта қурилиб, ишга туширилди.




2002 йил бунёд этилган Ўзбекистон Давлат Консерваторияси пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.



Беш юлдузли «Интер Континентал» меҳмонхонаси 1997 йил 13 март куни фойдаланишга топширилди.



Амир Темур кўчасида бунёд этилган яна бир янги бино пойтахтимиз чиройига чирой қўшди.



Тошкент — Ислом маданияти пойтахти.




1924 йилнинг 12 майида илк бор Тошкент аэродромидан кўтарилган «Yunkers» аэроплани Пишпек орқали Олмаота шаҳрига қўнган. Бугун Тошкент халқаро аэропортидан жаҳоннинг 25 мамлакатига 46 йўналиш бўйича парвозлар амалга оширилмоқда.



Тошкент темир йўл вокзали пойтахтимизнинг ўзига хос дарвозаси ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида, аниқроғи 2006 йилда вокзал бутунлай қайта қурилди, йўловчилар учун барча замонавий шароитлар яратилди.




Қисқа вақт ичида қад ростлаган мумтоз меъморий обида — «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи пойтахтимизнинг улуғ тўйига муносиб тўёнадир. Бугун бу масканда нуфузли илк тадбир — Тошкентимизнинг 2200 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат

ХАЛҚ БАНКИ

юртдошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ва азим Тошкентнинг 2200 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади.



Байрам муносабати билан сиз азизларга янги «Байрам туҳфаси» ютуқли, «Талабалик — олтин даврим» ва «Яхши ният» жамғарилувчи ҳамда «Сармоя плюс» муддатли миллий валютадаги омонат турларини таклиф этади

«Байрам туҳфаси» *омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада камида 20 000 сўм миқдорида нақд ва нақд пулсиз равишда, йиллик 22 фоиз даромад тўлаш шарти билан 2009 йилнинг 22 августидан бошлаб 1 октябрига қадар қабул қилинмоқда.*

«Талабалик — олтин даврим» *омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада нақд пулда, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида фоиз даромад тўлаш шарти билан 2009 йилнинг 22 августидан бошлаб қабул қилинмоқда. Мазкур омонат тури бўйича очилган ҳисобваракда жамғарилган маблағнинг 7 баробари миқдорида омонатчининг номига имтиёзли таълим кредити расмийлаштирилиши мумкин.*

«Яхши ният» *омонат турига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий валютада нақд ва нақд пулсиз равишда, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида фоиз даромад тўлаш шарти билан 2009 йилнинг 22 августидан бошлаб қабул қилинмоқда. Мазкур омонат тури бўйича очилган ҳисобваракда жамғарилган маблағнинг 10 баробари миқдорида омонатчи номига уй-жой қуриш учун имтиёзли кредит расмийлаштирилиши мумкин.*

«Сармоя плюс» *муддатли омонат турига (кейинчалик омонат тури) маблағлар миллий валютада 1 ойга — йиллик 28 фоиз, 2 ойга — йиллик 29 фоиз ва 3 ойга — йиллик 30 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан жорий йилнинг 22 августидан нақд пулда ва амалдаги омонат турларидаги маблағларни қайта расмийлаштириш йўли билан қабул қилинмоқда.*

ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН

Мурожаат учун тел: 150-12-91
Хизматлар лицензияланган. Лиц 25.25.01.2003.


Азиз юртдошлар!
Ватанимиз истиқлолининг 18 йиллиги, Шарқ дурдонаси, азим пойтахтимиз — Тошкентнинг 2200 йиллик шодиёналари барчамизга қувонч, фахр-ифтихор бахш этмоқда.

Эл-юрт равнақи, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни қутлуғ айёмлар билан самимий муборакбод этамиз.

Тилагимиз — юртимиз осмони ҳамиша мусаффо, хонадонларимиз обод ва фаровон бўлсин!



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси



«ЎЗКИМЁСАНОАТ»

ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

кимё саноатининг барча хизматчиларини, жаннатмакон юртимизнинг меҳнатсевар, фидойи халқини энг азиз, энг улуғ байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги, пойтахтимиз — Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.

Қутлуғ айёмлар ҳар бир хонадонга файз-барака, яхшиликлар ато этсин. Юртимиз тинч, Истиқлолимиз абадий бўлсин!

Мамлакатимиз янада гуллаб-яшнайверсин!

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
7876 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633

O`zA yakuni — 00.00
Topshirilgan vaqti — 03.30
1 2 3 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda